Катнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний», «Соглом авлод учун», «Олтин мерос», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Махалла», «Навruz», «Мехр - шафқат», «Истеъод», «Рахм-шафқат», «Согломлаштириш ва спорт», «Сен ёлғиз эмассан» жамгармалари, «Ногиронлар», «Кузи ожиглар» жамиятлари вакиллари, диний кўмиталар вакиллари, хотин-қизлар кўмитаси ходимларини, диншунослар, тарихчилар, сиёсатшунослар, файласуфлар, филологлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тиббиёт ходимлари ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб килиш мақсадга мувофик.

Учрашув кечаси

1. «Саховат улугликин оширади».
2. «Мехр-оқибатдан айирмасин».
3. «Бор бұлсın оқибат, бор бұлсın меҳр»
каби мавзуларда;

«Мехр билан яралған инсон» мавзусида китоб
күргазмаси ва күргазмадаги адабиётлар обзори.

Билімдонлар белгашуви

1. «Ўзбек мумтоз адабиётида меҳр-муруватнинг
улуғланиши».
2. «Ҳозирги замон ўзбек адабиётида меҳр-
муруват, хайр-эхсон, саховат, яхшилик фазилатлари-
нинг қаламга олинниши».
3. «Етим-есирлар, бева-бечоралар, якка-әлгиз
қарияларга, боқувчисини йўқотган хонадонларга, ноги-
рои ва муҳтоҷ кишинларга кўрсатилгаётган ғамхўрликлар
ва давлатимиз томонидан кабул килинган карорлар,
қонунлар, фармонларни биласизми?» каби мавзуларда.

«Мехр улашайлик» мавзусида китоб күргазмаси
ва күргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабий-бадний мусиқали кечә

1. «Ватаним, меҳрингдан очилур баҳтим».
 2. «Қўшингимда куйлайман меҳринг» каби
мавзуларда;
- «Мехр-мухабба ҳаёт зийнати» мавзусида китоб
күргазмаси ва күргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. «Сен ёлгиз эмассан» Республика болалар
ижтимоий жамғармаси фаолияти нималардан иборат?

Яхши фикр илохий конун руҳидаги, якин киши-сига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остила қолганда кўмаклашишга шайлик. ёвузликка карши, кишилар баҳт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжихатликда яшашга интилишда руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади.

* * *

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алкайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиши)га, яхшилик ишлар амалнга баҳшида қиласман, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ӯгираман.

* * *

Топинчим ва мактовларим, эзгу фикрим ва сўзим. (савобли) ишларим танамдаги жоним билан бирга Сизларга бўлсин, улим билмас Валийлар.

Ҳадисдан:

Бир-бирларимизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли булиб, кўл бериб сўрашиб юрнинглар, шунда дилларимиздан ғиллу ғашлик кетади.

* * *

Кишининг саховати – унинг динидир.
Муруввати, ақли, насиби эса унинг хулкидир.

* * *

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳало-
катлардан саклайди.

* * *

Хайру эхсонни бечораҳолга берилиши – садака
хисобланса, уни кариндошга булишлик ҳам садака, ҳам
мурувватлир.

* * *

Кариндошларга мурувват килиш хушхулқлик ва
яхши құшничилік – юртни обод ва умрini зиёда этади.

* * *

Кариндошнинг кариндошга қылған садакаси –
ҳам садака, ҳам кариндошлик муруввати хукмидадир.

Ҳазрат Али ҳикматлары ва насыҳатларидан:

Саховат күрсатғанда чехрада күринган латофат
худо берган иккинчи меҳрибонликдир.

* * *

Хайр-эхсонни ўз ўрнида килемаслик зулмга кира-
ди.

* * *

Муруввати бўлмаган кишининг дини ҳам бўл-
майди.

* * *

Хайр-эхсони туфайли эр киши ўз қавмини бош-
каради.

3. «Мехр ва муруват – халқимизнинг азалий фазилати» каби мавзуларда;

«Мехр ва муруватдан яралган олам» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Конференция

1. «Инсонпарварликни улуглаган шоир».

2. «Куръонн Карим»да меҳр-окибат, поклик ва халоллик, диснат, ззгуликнинг улугланиши».

3. «Хадисларда савоб мохиятни очиб берувчи фазилатлар» каби мавзуларда;

«Муруватнин дариг тутмайлик» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кечә

1. «Муруватли булиш – рухий уйгокликдир».

2. «Муруватпешалик – мардлик, саҳийликдир».

3. «Ислом – чинакам инсонпарварлик дини».

4. «Саховат – умрбокийликдир».

5. «Мехр билан гўзалдир хаёт» каби мавзуларда.

«Тирик эканмиз, меҳр улашайлик» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. «Урта Осиё алломаларининг ижодида маърифат, инсонпарварлик ва меҳр-муруват фазилатларининг улугланиши».

2. «Мехр-муруват маданияти».

3. «Мехр ва муруват улуг тушунча».

4. «Саховат ва муруватнинг эрта-кечи йўқ» каби мавзуларла:

«Мехр - мукаддас туйғу» мавзусида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

ахиллик, инсонпарварлик, халкпарварлк, меҳр-шафқат, хайр-эҳсон, муруват ҳакидаги маълумотларга эга бўлган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

4. «Меҳр ва муруват» мавзуси бадний адабиётда

Муруват – куз, меҳр – кошинг,
Омон булсин азиз бошинг,
Ҳалол булсии еган ошинг,
Меҳр курсат, муруват кил.

Султон Мурод

Бу бўлимда:

Мутафаккир, шонир ва ёзувчиларининг меҳр-муруват, хайр-эҳсон ҳакидаги достон, ривоят, хикоя, ҳикматлар, насиҳатлар, маколлар, шеърлари ва бошқа маълумотларга эга бўлган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

«Меҳр ва муруват» мавзуси бўйича кутубхоналар утказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Мавзулар таҳминий бўлиб, вилюят кутубхонасидан то кишок кутубхонасигача ҳар бир кутубхона тадбирларининг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

Илмий-амалий семинар

1. «Инсонпарварлик – инсон ва жамият маънавий киёфасининг мезони».

2. «Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат тушунчалари – шахснинг маънавий фазилатларидир».

Хикматлардан:

Барча камчиликлардан катъний назар, одамлар хар нарсадан кўра кўпроқ меҳрга лойик.

* * *

Кариганда орттириладиган энг яхши бойлик – бу якин қишиларнинг мухаббатига, меҳрига сазовор булишлир.

* * *

Кексаларнинг инсоний занфликлариiga нисбатан мурувватли бўлинг.

Ўзбек халк мақолларидан:

Дўстингга кўшик айт.
Мехрингни қўшиб айт.

* * *

Кўз каерда бўлса,
Мехр ҳам ўша ерда.

* * *

Мехр билмас кариндошдан,
Мехр билган ёт яхши.

* * *

Мехр – гул, каҳр – тикан

* * *

Мехр ҳазинаси тил

* * *

Мехри борнинг сеҳри бор

* * *

Мехрлн одам севимли.

* * *

Муруват – меҳрининг тузоги.

* * *

**Күшни оши ҳорин тўйдирмас.
Меҳр оқибатни оширап.**

Алломатардин:

Саховатли (киши) бугдой сотиб олмайди, яхшиликни харид килади.

* * *

Инсон эхсонни билан, эхсон султони билан, султон замони билан, замон имкони билан, имкон эса маконини белгилаб берини билан.

* * *

Саховатни кун тақдирлаган киши карамлидир, динорни кам йиккан киши буюкдир.

* * *

Саховат килган киши чарчамайди, баҳиллик килган эса хеч роҳатланмайди.

* * *

Эхсон эшиги унга киришини хоҳлаганлар учун очикдир, муруват килишини хоҳлаган киши учун унинг икота килингандир жойи бемалолдир.

2. Мехр билан яралган олам

Шод килса кай инсон бир мусулмонни,
 Муруват зарига ўтар жахонни.
 Бир муслимга мөхр кургазган башар.
 Инсонийлик тожиҳи дур билан безар.

Нормамат Тога

Бу булимда:

Ислом дини ва бошка динлардаги инсонпарварлик асосларига доир манбалар «Куръони Карим» ва «Хадис» лардаги инсонпарварлик, мөхр-окибат, именътикол, раҳм-шафқат, хайр-эҳсон, саҳоват, савоб, етиммискинларга яхшилик кўрсатиш каби маълумотларга эга булиган адабиётларни намойиш этиш мумкин.

3. Мөхр кўрсат, муруват кил

«...узи балавлат яшаб турган
 пайтда ёнидаги күшниси йўқчиликка
 дучор булиб, кийналиб кун кечираёт-
 ганини кўрган, инсофи, виждони бор
 хар кайси инсон хайру эҳсон килиш
 билан чекланиб кольмайди. Ёрдамга
 мухтож булганлрга баҳоли кудрат
 кўмак бериш, уларнинг кунглини
 кўтариш билан савобли ишларга кўл
 уради, бу ишни узини инсоний
 бурчи деб билади»

И.Каримов

Бу булимда:

Мөхр ва муруват гояларини узида сингдирган
 ахлокий-гарбиявий, мөхр-муруват маданиятининг тур-
 ли куринишлари акс эттирилган адабиётлар, илмий
 мақолалар, мутафаккирларнинг ахлок-одоб, яхшилик ва

түвчилари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар тақтнф этилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тарықасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

«Мехр-муруват – улуг фазилат» мавзусида китоб-суратли күргазма тайёрлашнинг таҳминий режаси

Таклиф этилаётган китоб күргазмаси кутубхонада үtkазиладиган кечани ва барча турдаги тадбирларни тўлдиради хамда мустакил үtkазишга ёрдам беради.

Күргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Мехр – муруватли булайлик

Одамлар ахволи – руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, бирбиrimизга кўмаклашайлик.

Мехр-окибат, муруват бўлмаган жамият ҳалокатта маҳкумлир.

И.Каримов

Бу бўлимда:

Ёлгиз кексалар, ногиронлар, етим болалар, ижтимоий ҳимояга мухтоҷ бўлганлар тўғрисида қабул килинган қонунлар, маҳсус фармонлар, меъёрий хужжатлар, меҳр-муруватни янада равнак топтириш йулидаги, ижтимоий мадад билан таъминлашда фукароларнинг ўзини-ўзи бошкарниш органлари билан боғлиқ бўлган адабиётларни тарғиб килиш мақсаддага мувофик.

Ал-Хоразмий

Кимники кўлидан хайр-баракалн ва пурхикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю. улутлиги фойда келтирмас.

Аз-Замахшарий

Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик килган бўлса яхши номи колади.

М.Қошғарий

Сахийлик – кишининг айбини ювур.

Сахий бўл сенга хеч сўкинч келмасун.

Сўкинч келар йўлни саховат тиур.

Эгилмас кўнгилни сахий эр агар.

Етилмас муродга сахий эр етар.

Аҳмад Юғнакий

Агар душманинг бош уриб панохингта келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.

Душман сендан мурувват ва хайр-эхсон кўрсаю яна қайтадаи душманлик йўлини тутса, унн иарварли-горнинг ҳукмнига топшири.

Яхшиларга яхшилик килдим. ёмонларни эса ўз ёмонларнига топширдим. Ким менга дўстлик килган бўлса, дўстлиги қалрини унутмадим ва унга мурувват, эхсон, иззату икром кўрсагдим.

Амир Темур

Муруват – борга бермакдур, емак йўк.
Футувват – борга килмакдур, демак йўк.

* * *

Меҳмоннинг меҳрин асрагил жон ичра.
Нельмат қалин айла хони эҳсон ичра.

* * *

Карам ва муруват ота-оналардир, вафо ва ҳаё
икки эгизак фарзанд. У икковида ҳар канча равшаник
 билан соғлик бўлса, бу икковида шунчалик жинсланиш
 ва бириниш юз берур.

Алишер Навоий

...Хотам агар куфр ила топти ҳаст.
Топти саховат била охир мамот...

...Чунки саховат била бўлди мудом.
Ҳак анча дузах утини этди ҳаром.

Хожа

Хайрия хеч маҳал бенз кемайли, пинхона кол-
майди. Уни купчилик билмаса-да Аллоҳ Таоло доимо
курнб ва билиб туради. Ва унга кул урганин ўз
марҳаматидан баҳраманд этади.

Фозил ҳожи Зоҳидов

«Мехр ва муруват – олий қалрят»
Билимдонлар беллашувини ташкил килишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни «Мехр ва
муруват», ватанипарварлик, инсонпарварлик, меҳр-шаф-
кат, муруват ва оқибат, сахийлик, саховат, лиённат,
меҳринбонлик, раҳм-шафкат, хайр-эҳсон ҳакида ёзилган

Кор остида ётган илдиз ҳам,
Тирик, меҳр берган ер билан.
Меҳр бўлсин олтин остона,
Муруватдан тикланг кошона!

* * *

Кизил ип ҳам аввал эдн – ок.
Сохта рангдан бўлди ялтирок,
Йўлингиздан гадо чикса жим,
Хизр бўлиб, тусингиз йўлини.
Асо беринг, қалтирок кулга,
Қўшинг даври, миллатга, элга!
Меҳр бўлсин олтин остона.
Муруватдан тикланг кошона!

* * *

Бўлинганни бури ер ҳар дам,
Узук гузал-ёкут куз билан,
Тўксон икки уруг бир бўлса,
Куркмас ҳатто, азоилдан ҳам,
Юлдуз бўлиб сочилик ҳалқим,
Ким бор, сендей, меҳри улуг ҳам!
Меҳр бўлсин олтин остона,
Муруватдан тикланг кошона!
(Шеър кискартириб берилди)

Беллашув З боскичдан иборат бўлиб, ҳар бир боскичда баҳоланиб борилади.

Беллашув якунинн махсус ҳакамлар мълум балл кўйиш билан якунлайдилар. Бунда шеърларнинг мъяно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик махорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар хайъатига адабиёт ўки-

4-ракамдаги қатнашувчи: М. Жувонмарлиеванинг
«Мехр тафти» шеъри, 2003 йилда ёзилган.

Мехр үлчагич тарози йўклир,
Мисқоллаб, ботмонлаб берар одамга.
Билиб сарфлаганинг вижлони тўклир.
Хоҳласа етказар бутун оламга.

* * *

Мехрдир сарафroz айлагич туйгу.
Кўнгиллар сув ичар унинг боридан,
Аллалаб келтирас кўзинигта уйку,
Куткариб ташвишнинг оху зоридан.

* * *

Мехрнинг тафтидан эрийди музлар.
У сўзлар ўқига кўндаланг, қалкон.
Иффат, садоқат, хаётдан сўзлар.
Мехрдан тёгларнинг тошларни галкон.

* * *

Қаддимини буқканди дардли хонишлар,
Кўмакка шай турган меҳрибон меҳр.
Кукунга айланар гамли нолншлар.
Бекиёс, bemиннат ундаги сехр.

5-ракамдаги қатнашувчи: Шамсиддин Садоий-
нинг «Муруватдан тикланг кошона!» шеъри, 2004
йилда ёзилган.

Бечорани деманг бечора.
У ҳам сиздек яшар бир бора.
Мехр беринг меҳрталабга,
Кўнгил ўсиб, етснин-фалакка.

асарларни, давлатни шининг асосий конуни ва конун хужжатларида акс эттирилаётган инсонпарварликка доир манбаларни изчил ўкишлари оркали кизикишини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бирни 8-10 кишидан иборат бўлган 2та билимдонлар гурухи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллаж, лицей ўкувчилари, олий ўкув юрти талабалари, аспирантлар, ишчилар, маҳаллалардо маҳалладошлар, кутубхоначилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чикадилар. Сўнгра шу саволлардан айримлари танлаб олниади ва ҳар икки гурухга мўлжаллаб кўйилади. Кигобхонларда бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида катнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чикишлари зарур.

Билимдонларнинг ўтиборини мустакиллик йилларидаги конун ва фармонлар, меҳр ва мурувват хакида ёзилган асарларга, ҳадиселарга, ҳикматлар, ҳикоятлар, ҳайр-эхсон, саҳоватпешалик, ахлок-одоб, урф-одатларимиз, қадриятларимиз, қуни-қушничилик мавзусидаги асарларга қаратиш лозим.

Беллашув ташкия килинадиган жойда, албатта китоб кўргазмасини ташкилотиш лозим.

Кўйилва беллашувга кўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга караб кутубхоначилар, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билб оладилар.

1. Меҳр ва мурувват тушунчасини изоҳлааб беринг?

(Меҳр ва мурувват – улуг тушунча. Уннинг замирида бағрикенглик, ўзаро меҳр-окибатлилик, дўст-

лик, ҳамжихатлик, оила манфаатлари, ёшлиар тарбияси сингари катор фазилатлар мужассамдир).

2. Инсонпарварлик тушунчасини изохлаб беринг?

(Инсонпарварлик мазмунан бой ва хулк-одоб коидаларини мужассамлаштиради, яъни, инсонпарварлик калрияги негизида меҳр-шафкат, муруват ва окибат, сахийлик, саховат, диёнат, каноат, химмат, адолат, сабр-токат, тавозе, меҳрибонлик, соғдилийк, росттуйлик, ҳамфирлик, ҳамкорлик, фахм-фаросатлийк, зийраклик, ҳожатбарорлик каби ахлокий-маънавий хусусиятлар ўз ифодасини топади).

3. Инсонийликнинг муҳим шартлари нималардан иборат?

(Инсонийликнинг муҳим шартлари – диёнатлийк, меҳр-шафқатлийк, поклик ва ҳалодликни, иймон тушунчасини ўз ичига олади).

4. Ислом динида «Куръон» ва «Ҳадис» унинг гояларини мужассам этган муқаддас маибалиар хисобланади. Уларда одамларни ягона Оллоҳга, Мухаммад алайхиссаломга ўтиқод килишга чорлаш билан бир каторда, даъват этувчи гоялар тарғиб этилган, ана шулар кайсилар?

(Ягона Оллоҳга, Мухаммад алайхиссаломга ўтиқод килиш, чорлаш билан бир каторда, хурлик, озодлик, тенглик, яхшилийк, сахийлик, муруват, шафкат, илми, меҳнатсевар булишга даъват этувчи гоялар тарғиб этилади).

5. «Ҳадис»ларда савоб моҳиятини очиб берувчи фазилатлар кайсилар?

(«Ҳадис»ларда савоб моҳиятини очиб берувчи фазилатлар: ога-она, кексаларга ҳурмат, илми булиш, ҳамкорлик, дустлик, инсонпарварлик, ёлларни кадр-

З-ракамдаги катнашувчи: Н.Нарзуллаевнинг
«Хайр-эҳсон касидаси» шеъри, 1994 йилда ёзилган.

Текинхўрлик – нопоклик, айбдири,
Жони-тани согта кўн иснод!
Гуноҳга ҳам ботажак, ахир,
Ким бесабаб кўл чўзса, хайҳот!

Ғарнблар бошинн силаш,
Етимларга меҳр-муҳаббат. –
Ёлгизларни самимий сийлаш.
Конга кўчган –
бу тарки одат!

Мажруҳлар бор, ногиронлар бор.
Эл ҳашари битказади том.
Кичникларга шафкат, ҳукми ёр.
Кексалар – гул хурмат, эҳтиром.

Ёрдам кўлин чўзамиз ҳар гал.
Фурсатни хеч пайсалга солмай,
Хайриҳоҳлик, сахобат, азал
Эъзозланар она сутидай!

Одил юрак, покиза виждон,
Барҳаётки, биз бормиз, демак,
Савоб иш деб багишласак жон,
За дуосини олиб яшасак!

2-ракамдаги катнашувчи: Султон Муроднинг
«Мехр кўрсат, муруват кил» шеъри, 2004 йилда
ёзилган.

Аллоҳ берса сен токат кил,
Яхшиликни хўп одат кил.
Инсонмисан, саховат кил,
Мехр кўрсат, муруват кил.

* * *

Саховатнинг талаби мўл,
Адолатли, меҳрибон бўл.
Ёлғизларга узатгин кўл,
Мехр кўрсат, муруват кил.

* * *

Яхшиларга омад тила,
Етим-есир бошин сила,
Бор вужулинг, калбинг ила,
Мехр кўрсат, муруват кил.

* * *

Гарибларнинг кўнглини ол,
Дардларига сен кулоқ сол.
Уларга сирдош бўлиб қол,
Мехр кўрсат, муруват кил.

* * *

Олим булма, бўлгин одам.
Охиратни ўила ҳардам.
Ҳеч булмаса энг сунгги дам.
Мехр кўрсат, муруват кил.

лаш, саховат, ростгүйлик, иффат, нонни зъзозлаш, лиёнат, раҳм-шафқат, зътиқод, меҳмондустлик, меҳроқибат, хайр-эҳсон, тозалик, покизалик, билимдонлик, вазминлик, тадбиркорлик, ҳалоллик, сабр-каноат, ишонч, ҳиммат, бардошлилик, марҳамат, тўғрилик, вафо, сахийлик, садокат, саботлилик, камтарлик, викорлилик, салоҳият, ҳалимлик, гавозе, ҳаёс, тежамкорлик, сир саклаш ва шу кабилар жамият маъниавий тараққиётини белгиловчи аҳлоқий-маъниавий омиллар тарзида намоён бўлади).

6. Ал-Джахиз ўзиннинг кайси асарида инсонларда учрайдиган хасисликни сахийликка қарама-карши ёмон фазилат сифатида танқид килган?

(Ал-Джахиз ўзиннинг «Хасислик ҳакила китоб»-ини яратиб, инсонларда учрайдиган хасисликни сахийликка қарама-карши ёмон фазилат сифатида танқид килган).

7. Куйида келтирилган ҳикматлар кимнинг қаламига мансуб?

Кичкина мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, худди озгина сув энг ширин ва мазали бўлган-дай.

Кимки одамлар қалбларини овлайман деса, унга эхсон ва мурувват онларини сениши, фазл ва олижаноблик тузокларини қўйнши керак.

(Қомусий олим Абу Бакр ал-Хоразмийининг қаламига мансубдир).

8. Куйида келтирилган ҳикматлар кимнинг қаламига мансублир?

Одамгарчнлик (мурувват) кишининг ўзи, уругаймоги ва ўз ахволига таъсир этиши билан чегарала-нади. Мардлик эса (футувват) ундан ҳам устун бўлиб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватни мард киши

узининг халимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, камтаришлиги туфайли танилиб, гарчи у шумаргабага, унинг ахлидан бўлмаса ҳам олий даражага кутарилади. У насл-насаб жихатидан эмас, балки ҳакли равишда хурмат қилинади.

(Буюк комусий олим, файласуф, педагог Абу Райхон Берунийнинг хикматлари).

9. Кўпила келтирилган парча кимнинг қаламига маъсуб?

Аё дўст биликтинк изин излагил,
Мабодо сўзлассанг, билиб сўзлагил.
Мактансанг сахийни топиб сўзлагил,
Бахилга каттик ёй ўкин кўзлагил.
Барча тил сахийнинг мактоворин айтур.
Сахийлик кишининг айбини ювур.
Сахий бўл сенга ҳеч сўкинч келмасун.
Сўкинч келар йўлни саховат тиур.
Этилмас кўнгилни сахий эр егар.
Етилмас муродга сахий эр егар.
Бахиаликни мактар тил борми, кани?
Сахийликни эса хос ҳам эл мактар.
Барча молин сотди сано олди, кўр.
Тирилди кетма-кет шухрати билан.
Дунёда эзгу от ундан колди, кўр.

(ХII-XIII асрларда яшаган Йирик шоир ва олим, туркӣ забон ижодкор, атоқли сиймолардан бири Аҳмад Юғнакийнинг насиҳатларидан).

10. Йирик тасаввуфий тарнкат вакилларидан қайси бири уз кўл кучи билан кун кўришини, ёкирган, тошган-туттганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган?

(Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Накшбанл).

Кийида беллашувда алтиладиган шеърлардан
намуналар келтирамиз.

I-ракамдаги катнашувчи: М. Үсаркуловнинг
«Мехр» шеъри, 2001 йилда ёзилган.

Армонин аритар меҳр ёғдуси.
Мехрлир кўнгилнинг оплок туйгуси,
Мехрдан мунаввар дилнинг кузгуси,
Мехрдан яратган инсон орзуси.

* * *

Мехрдан сув ичган орзулар оплок,
Шу меҳр туфайли қалблардир қайнок,
Мехрсиз инсоннинг кўнглидир мудрок,
Мехр ёғлусидан кўнгиллар кувнок.

* * *

Юракни ранж, алам этмасин вайрон.
Мехрга талпиниб яшайди инсон,
Дилхаста одамга меҳрдир дармон.
Мехрла баркамол эътиқод, иймон.

* * *

Мен нечун куйладмай меҳрини ахир.
Мехрсиз бу хаёт туюлар тахир.
Юракни эзмасин газаб ва каҳр.
Мехру оқибатла гўзалдир даҳр.

* * *

Мехримиз жўш урсин мисоли дарё.
Мехрсиз кўнгиллар кемтиқдир гўё.
Мехр ёғлусидан дилларда зиё,
Ёзганларим эмас афсона, рӯё.

лиги, уларнинг кинса-тўликлиги ҳам ўтиборга олинали. Ҳакамлар ҳайъатига диншунослар, тарихчилар, сиёсатшунослар, файласуфлар, адабиётшунослар, шифокорлар, хукуқшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, шуннингдек, хотин-кизлар кўмитаси раҳбарлари, «Мехришафқат ва саломатлик», «Мехрибонлик», «Нуроний», «Ногиронлар», «Ногиронларга ижтимоий ёрдам» каби жамғармалар ва жамнят вакиллари. «Мехрибонлик» уйлари раҳбарлари киритилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тарниқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

«Мехр ва мурувват» мавзуси ўзбек шеъриятида Шеърхонлик беллашувини ташкил килишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларнинг шоирларимизнинг «Мехр ва мурувват» мавзусида, яъни адолат, тўгрилик, виждон, ор-номус, ирода, матонат, хайр эҳсон, яхшилик ҳақида ёзган шеърларнни изчил ўчишлари орқали кизикишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 5 кишидан иборат гурух тузилади. Гурухга асосан мактаб, коллеж, лицей ўкувчилари, талабалар, ишчилар, кутубхоначилар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари катнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир катнашувчига ракам берилади. Беллашув катнашчилари вайтмокчи бўлган шеърнинг мавзусини, муаллифини, агар имкон бўлса качон ёзилганлигини билishi шарт.

Беллашув ташкилотчиларнга тадбир ўтказиладиган жойда китоб кўргазмасини ташкил килишини тавсия этамиз.

11. Кўйида келтирилган маъба кимниңг қаламига мансуб?

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга касд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига гарк бўлдишар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дустоларим олдимга наноҳ тилаб келганиларида, уларни үзимниң баҳту давлатимга шерик билиб хеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

(Амир Темур ибратларидан намуна).

12. Қайси мутафаккир ўз даромадини хайрли ишларга сарфлаган?

(Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий даромадининг кўп киисмини хайрли ишларга сарф қилган. Биргина Ҳирот шахрила ўзининг жамгармаси ҳисобидаи қанчалан-канча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўкув юрти ва шифохона барпо эттирган. Уларга таникли табиб ва доришуносларни жалб этган. Ихтисия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, унданги меҳмонхонада камбагал бева-бечораларни текин овқат билан таъминлаган. Мухтоҷ кишиларга ҳар йили икки минг иўстин ва кийим-кечак тарқатган. Тарихчи Ҳондамир Навоий 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўпприк, бир канча тўғон, арик, ҳаммом, масжид-мадрасаларни курдирганини эслатиб утган).

13. Кўйида келтирилган парча кимниңг қаламига мансуб?

Издар эсанг кору бор фактраскан була кўр.

Бор мискинларга чун ҳак ҳасратинда корубор.

* * *

Айлагил доим тавозуъ яхши от издар эсанг,
Ким тавозуъ пеша килганилар булубдур номдор.

* * *

Мард-и маъни ул эрур кизса тавозуъ борчага.
Чун сарафканда булур шоҳеки, булур мевалор.
(Ўз даврининг йирик санъаткори, дунёвий ада-
биётнинг кўзга куринган вакили Ҳофиз Ҳоразмийининг
китъаларидан).

14. Куйида келтирилган манба кайси муаллиф-
нинг асаридан олинган?

Хар бандан саодатманлким, оллон таоло анн
салтанат саририна мушарраф килди. ул саодатлиг
подшохга вошиб ва лозимдурким. ўз тафаккур таалуки
бирлан мулоҳаза килиб билгайким. бу давлату нусратни
менга ким иноят килибтур. Ул давлатнинг шукрни
билиб. онинг хизматини ва тоатини сидку ихлос бирлан
машгул бўлиб. фуқаро ва мискин ва бенаво ва мухтож-
лардин хабардор бўлиб аларга лутфу шафкат макомида
бўлгай.

(Машхур узбек шоири. мутафаккир ва амалий
ахлюк назариётчиси Пошшоҳўжа Абдулаҳҳобхўжа ўғли
Хожанинг «Мифтоҳ-ул-адл» асаридан олинган).

15. Куйндаги мисралар кимнинг қаламига
mansub?

Очук кўллик, кушода юзли бунил.
Муруватлик мулойим сўзли бўлгил.
Мулойим тил билан беҳарбу безарб.
Биронни келтиурлар шарқдан гарб.
Сучук тилдир ажиб ганжи муззам.
Ато килгон хеч бўлмагай кам...

Ҳали хеч ким унга кўймаган хайкал,
Мехр деб аталған сулув санамга.

Тан келолмас ҳатто унга Тожмаҳал,
Мехрин ёзганиман жону танамга.

(М.Жувонмардневанинг «Мехр тафти» шеъри).

29. Кўнида келтирилган парча кайси достондан олинган?

Яхшиликдан ажратмагил дилингни.
Ҳам яхшилик устун қилар қўлингни.
Мискинларга сарф айла бер пулингни,
Мен сенинг курбонинг булаи Эрали.

Куч-куватин ғойиблардан тилагин,
Гарибларнинг манглайнин силагин.

Сен улардан олтин-луо тилагин.

Дуо олтин булур, билгил, Эрали.

(«Эрали ва Шерали» достонидан олинган).

30. «Мехр-муруват маданияти» мавзусида нашрдан чиккан рисоланинг муаллифи ким?

(Шавкат Курбоновининг «Мехр-муруват маданияти» номли рисоласи якинда нашрдан чикди. Ушбу рисола «Мехр ва муруват» йилига багишланган бўлиб, унда ўзбек ҳалкига хос фазилатларнинг энг ёркин кирраларидан бўлмиш Мехр ва муруват, меҳр-окибат туйғусининг илдизлари, миллий урф-одатлар ва анъаналаримизнинг мағнинг сингиб кетган. Айни пайтда мамлакатимизда карор топган инспонпарварлик сиёсатининг ўзагини ва миллий истиқлол гоясининг таомонларидан бирини ташкил этиши ижтимоний педагогик пунктни назарда байди этилган).

Беллашув якунини маҳсус ҳакамлар мълум балл кўйиш билан якунтайтилар. Бунда жавобларнинг тўғри-

* * *

Мехр – оддий саломдир,
Энг табаррук каломдир.
Яраттанинг неъмати,
Тухфаси, зур инъомдир.

(Юқорида келтирилган парча Искандар Раҳмоннинг «Мехр» шеъридан олинган.

Мехр – булоқ, жилгалир.
Куйилар кўл, дарёга.
Эл-юрт ундан сув ичар,
Чиқар уммон, дунёга.

* * *

Мехр – дарё бўлмаса,
Бисбондир гулистон.
Куриб Орол мисол
Озор чекар тирик жон).

26. Ҳозирги кунда кайси шоирлар ижодида Ватанга меҳр, инсоннинг бир-бирига меҳрли бўлиши, дўстга меҳр, ота-онага меҳр ва муруватли булиш хақидаги шеърлари кўп?

(Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоирини Н.Нарзуллаевларининг шеърларида бу мавзумасалалар кўплаб каламга олинган).

27. Келтирилган ушбу тўртлик кимнинг қаламига мансуб?

Биродар, тушмадим мен ҳам осмондан,
Сен ҳам келмагансан бирор томондан.
Бир юртнинг фарзанди иккаламиз ҳам,
Зуваламиз битта, Мехр бир жондан.
(А.Ориповнинг «Мехр» шеъри).

28. Ушбу мисраларининг муаллифи ким ва шеърнинг номини айтинг?

(Ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф адабиёти анъаналариниң нэчил лавом эттириб, ўзига хос мактаб яратган адиб, шоир ва мутафаккир Сўфий Оллоёрниңг каламига мансуб).

16. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конун қачон кабул қилинди?

(Юртимиз мустакиллигининг илк Йиллариданоқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Конун 1991 йилда кабул қилиниб, муҳтоҷ одамларни давлат томонидан ижтимоий кўллаб-куватлашнинг миллий моделини шакллантиришга асос солинди).

17. Қайси қонунда, етим болалар ва ота-онаснинг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни; жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуксони бўлган болалар ва ўсмирларни; ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтоҷ бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўқитиш борасида таълим ҳамда васийлик органларининг бурч ва вазифалари белгилаб берилган?

(1997 йил 29 августда кабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22-24 моддаларида).

18. Куйида келтирилган манба Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бўлими ва қайси бобида акс эттирилган?

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишлиланган хайрни фаолиятларни рағбатлағтиради.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи бўлими, XIV боби, 64 -моддасида).

19. «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги Фармон качон эълон килинган?

(«Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги Фармон 1992 йилнинг 28 майида эълон килинди).

20. «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти» качон Ҳалкаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари федерациясига аъзо этиб кабул килинган ва бош масали нималардан иборат?

(«Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти» 1995 йилнинг декабрила Ҳалкаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари федерациясига аъзо этиб кабул килинди. «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти» ходимлари, фаоллари, волонтёрларининг ҳамда Ҳалкаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой харакатининг бош масали, етти тамойили – инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустакиллик, ихтиёрийлик, ягоналик ва умумийликка амал килинган холда ёрдамга муҳтоҷ инсонларга кўмаклашишдан иборат).

21. «Мехр - шафкат» коллежининг фаолияти хакида нима биласиз?

(«Мехр - шафкат» – бу тиббий-ижтимоий йўналишдаги ягона ўрта қасб-хунар ўкув юртидир: ушбу тиббий илм даргоҳида 300 дан зиёд йигит-қизлар укийдилар. Коллежда учта: тиббий-ижтимоий, педагогика ва иктисадий бўлимлар бор. Коллеж кексалар пансионати, 23-сонзи болалар уйинни, ногирон болалар уйинни ўз оталингига олган).

22. Куйида келтирилган мисршар кимнинг шеъридан олинган?

Хар киши кўнгил шифосини

мехру мурувватдан топар.

Калбга ҳамдардлик сафосини

мехру муруватдан топар.

Бирнга ўн бергайдур Аллох

килса ким эхсон агар,

Ул киёматлик гизосин

мехру муруватдан топар.

(Исмоил Махмуднинг «Мехру муруватдан топар» шеъри).

23. Ушбу мисралар кимнинг қаламига мансуб ва шеърин давом эттиринг?

Омонатдир утётган хар дам, хар он.

Сўнар бир кун юраклаги ўт, туғён,

Хаётнингда булиб колса гар имкон

Мехр курсат, муруват кил, муруват.

(И.Тўхтамишевнинг «Мехр курсат, муруват кил» шеъри.

Кимдир чўкар ногаҳонда ўй, ғамга.

Сигмай қолар бу ҳудудсиз оламга,

Куни-кушни, қули қалта одамга,

Мехр курсат, муруват кил, муруват).

24. Ушбу мисраларнинг муаллифи ким ва шеърнинг номи нима?

Мехр-шафқат йўкотар кўнгилнинг зангларини,

Мехр гўзал қиласи турмушнинг рангларини.

Мехрсиз бўлғанларда тугилар ёмон ният,

Мехр покиза қўлар кишилар онгларини.

(Тура Жуманиннинг «Мехр ҳакида» шеъри).

25. Келтирилган ушбу парча кимнинг шеъридан олинган ва шеърни давом эттиринг?

Мехр асли нимадир?

Гавхар тўла кемадир.

Лангари – жон, ниймондир.

Бандаргоҳи – виждондир.

Бошловчи: Раҳмат. Мана гиёхвандлик ҳакнда анча тушунчага, гиёхвандлик ва унинг аянчли оқибатлари ҳакида барчамиз тасаввурга зга бўлдик. Келинг, ҳозир ёшлилар орасида гиёхвандлик ва уига карши кураш чора-тадбирлари ҳакида сўзлаб беришни Ибн Сино ҳалкаро жамгармаси кошидаги «Гиёхвандликнинг олдини олиш маркази» ходими _____дан илтимос киламиз. Марҳамат!

Ассалому алайкум! Гиёхвандлик иллатига карши курашиш барчамизнинг олдимиизда турган бош вазифалардан бирилди. Агар гиёхвандлик муаммоси билан шугууланган барча ташкиют ва уюшмалар кучи бирлаштирилса, ёшларнинг буш вактини мазмунли ўтказиш ва уларни иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилса, агар оммавий аҳборот воситаларида «пиво ёки тамакининг энг зўр нави»ни реклама килиш ўрининг гиёхвандликнинг оқибати ва зааралари ҳакида факат ҳалкаро гиёхвандликка карши курашиш кунида эмас, ҳар куни аҳборот-тарғибот ишлари олиб борилса, мактаб ва маҳаллалар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйисса, шифокорлар, участка инспекторлари, дин пешволари, рухшунослар бу ишга жалб этилса максалта мувоффик булар эди. Гиёхвандликка карши кураш борасида Узбекистон ҳамдустлик мамлакатлари, Германия, Исроил, Туркия билан шартномалар имзолаган...

Бошловчи: Марокли сұхбатингиз учун раҳмат. Дарҳакикат, асримизнинг бу вабосига карши кураш йўлида кучларни бирлаштирумасак кўзланган максадга эришиниши кийини. «Бир болага етги кўшинн ота-она» деган макол бежиз айтилмагзин, буғун биз бепарво бўлган бола эртага ўзимизнинг фарзандимизнин ҳам шу машъум оғу конига тортмаслигига кафолат йўк! Шунинг учун оғоҳ бўлайлик.

Хурматли конференция иштирокчилари ва китобхоналар! Бугун сизлар билан биргаликда гиёхвандлик ва унга карши кураш ҳакида кўпгина маълумотларга эга бўлдик. Ўйлаймизки, бундай конференцияларни ўтказиб туриш фойдаладан холи эмас. Шу мавзуга бағишлаб адабиётлар кўргазмасини хам ташкил кылганмиз. Энди сизларни ундан фойдаланиш учун гаклиф киласмиз.

**«Гиёхвандлик – давр оғати- мавзуси буйинча китоб
кўргазмаси тайёрлашнинг таҳминий режаси
Кўргазма З ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.**

1. Гиёхвандлик хаёт душманни

*Жаҳон давлатлари ва халқаро ташкилотлар дикқат-ътиборини даври-
мизнинг умумбашарий муаммалари
бўйичи-халқаро террористи, экстреми-
зми, наркобизнес, контрабанда,
экологик оғатлар ва болалар ўзими-
га қарши курашишига сафарбар этиши
зарур*

И.А.Каримов

Бу бўлимга бугунги кунда наркобизнес, гиёхвандлик ва унга карши кураш ҳакидаги адабиётлар кўйнлади.

2. Кўрмайин бослим тикянини...

*Бошинга ҳар бата келса,
Бирордан эмас, ўзингдан кур!
Қўшиқдин*

Бу бўлимга гиёхвандлар орасида кўпчиликни ташкил килаётган ёшлар, уларни гиёхванд моддаларни бир маротаба истеммол килиб ёки хизлаб куриб, шу